

**Бино ва иншоотларни техник ҳолатини текшируви ва синов
ишларини бажариш учун**

Ш А Р Т Н О М А

Навоий шахри

№ 02/05

14 январ 2022 йил

Биз қуйида имзо чекувчилар Навоий вилояти қурилиш соҳасидаги ҳудудий назорат инспекцияси, «Бажарувчи» деб номланади, унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 353–моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги 343-сонли «Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси фаолиятига оид норматив-ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорининг 2 иловаси, 9 боб, 28(в)-бандига асосан иш олиб борувчи инспекция **бошлиғи З.Ботиров** бир томондан ва **Республика урта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари малакасини ошириш ва уларни ихтисослаштириш маркази Навоий филиали** қуйида «Буюртмачи» деб номланади иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. Шартнома мазмуни:

1.«Бажарувчи» «Буюртмачи»нинг расмий берган мурожаатномасига асосан, **Спутник курғонида жойлашган (Вахта80) ёғоч биноси** техник текшириш ишлари хизматини амалдаги қонун-қоидалар ва меъёрий ҳужжатлар асосида ўтказиб, техник ҳулоса берилишини ўз зиммасига олади.

II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

2.1 Шартнома имзолангандан сўнг ишларни бошлашдан олдин «Буюртмачи» «Бажарувчи» ҳисоб рақамига бажариладиган ишларнинг умумий қийматининг олдиндан **100 фоизи** маблағ ўтказиб беради ва ишлар бажарилгандан сўнг тайёрланган «Илмий-техник махсулот»ни «Бажарувчи» дан қабул қилиб олади.

2.2 «Бажарувчи» томонидан бажариладиган ишларни мавжуд меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида сифатли бажариб, иш натижалари тўғрисидаги ҳужжатни «Буюртмачи» томонидан «Бажарувчи» ҳисоб рақамига маблағ туширилганидан сўнг 20 кун муддат ичида «Буюртмачи»га тақдим этади.

2.3 «Буюртмачи» бино ва иншоотларни техник ҳолатини текшириш ва синаш ишларини олиб бориш учун амалдаги меъёрий ҳужжатларда талаб этилган барча ҳужжат ва маълумотларни шартнома тузилган кундан бошлаб 3 иш куни кун муддат ичида «Бажарувчи»га тақдим этади.

2.4 «Буюртмачи» бино ва иншоотларни техник ҳолатини текшириш ва синаш ишларини бажариш учун, зарур бўлган ҳолларда, «Бажарувчи»ни транспорт ва алоқа воситаси билан таъминлашни ўз зиммасига олади.

III. Бажариладиган хизмат нархи ва ҳисоб-китоб тартиби:

3.1.Бажарилган мазкур ишлар нархини «Буюртмачи» «Бажарувчи»га смета асосида берилган ҳисоб варағи ҳамда ўзаро тузилган келишув баённомаси бўйича тўлайди. Келишилган шартномавий нарх Қушимча қиймат солиғи қушилган ҳолда **5 694 768 (Беш миллион олти юз туксон турт минг етти юз олтмиш саккиз) сўм** (Жумладан: ККС-742796 сўмни) ташкил этади.

3.2. Тўловни амалга ошириш тартиби:

А) икки томонлама тузилган шартнома имзолангандан сўнг 10 банк иш куни ичида шартнома суммасининг 100% олдиндан тулов амалга оширилади.

3.3. Смета нархи шартнома тузиш босқичида аниқланиб, нархлар тенглигининг ўзгариши ва либерализация билан боғлиқ ҳолда ўзгаради.